

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

ISSN 2010-6602

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ ЯНВАРДАН БОШЛАБ НАШР ЭТИЛМОҚДА

№ 47 (1278)

2020 ЙИЛ 26 НОЯБРЬ

“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ:

АҲОЛИНИНГ ИПОТЕКА КРЕДИТИ ОЛИШ ТАЛАБИ ЎСИБ БОРМОҚДА

Маълумки, “Ипотека-банк” АТИБ аҳолини уй-жой билан таъминлаш учун бирламчи ва иккиламчи бозордан уй-жой сотиб олишга кўмаклашиб келаётир. Шунингдек, банк мавжуд уй-жойларни таъмирлаш (ремонт) учун ҳам кредит ажратмоқда. Бунда таъмирлаш учун ипотека кредити пудрат қурилиш ташкилотининг ҳисоб-варағига ёки қурилиш материаллари сотувчи хўжалик юритувчи субъектининг ҳисобварағига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.



(Давоми 3-саҳифада)

Жиззах вилоятида тўлов тизимлари ривожига қай аҳволда?

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3945-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан 2019 йил 30 сентябрда тасдиқлаган “НУМО” миллий тўлов тизими инфраструктурасини янада кенгайтириш ва уларни аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлари банк карталари билан қамраб олиш” бўйича комплекс чора-тадбирларида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш, тўловларни амалга ошириш узлуксизлигини таъминлаш, инновацион маҳсулотларни жорий қилиш, банк хизматларининг оммабоплигини таъминлаш ҳамда тўлов хизматлари бозорида рақобат муҳитини ривожлантириш мақсадида Жиззах вилоятида “НУМО” миллий тўлов тизими инфраструктурасини тўлиқ шакллантириш, хусусан, жойларга “НУМО” банкоматларини жойлаштириш, хўжалик юритувчи субъектларни “НУМО” тўлов терминаллари билан таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.



(Давоми 5-саҳифада)

Дунёда ахборот-коммуникация технологияларининг шиддат билан ривожланиши банк тизимида ҳам замонавий хизмат турларини кенгайтишни тақозо этмоқда. Бу борадаги тадбирлар мамлакатимизда ҳам изчиллик билан амалга оширилмоқда. Хусусан, Сурхондарё вилоятида ҳам Президентимизнинг 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620 сонли “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, замонавий ёндашувлар асосидаги банк хизматлари марказлари фаолияти билан ҳатто энг олис ҳудудлар ҳам қамраб олинган. Бу эса, ўз навбатида аҳолининг узоғини яқин қилиш, вақтин тежаш каби қатор қулайликлар яратиши билан аҳамиятлидир.

Банк хизматлари мижозларга яқинлаштирилмоқда

Эндиликда, замон билан ҳамнафас тарзда фаолият сифатини ошириб бориш, ҳаётга энг мақбул ва самарали усул ҳамда механизмларни жорий этиш, банк хизматидан фойдаланувчилар учун кўпроқ қулайликлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бошқача қилиб айтганда, “Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун” тамойили устувор аҳамиятга эга. Бу эса, юртимизда ҳар соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти билан ҳамоҳанглигини таъминлаш, республикамизнинг иқтисодий салоҳиятини тўлақонли юзага чиқариш, пировардида халқимиз фаровонлигини юксалтиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

(Давоми 5-саҳифада)

“МАЛИБУ” УРИЛДИ, КРЕДИТ НИМА БЎЛАДИ?

РОССИЯ РАҚАМЛИ РУБЛЬ ҲАРАКАТИДА

12 > ОБУНА – 2021

ГАЗЕТА ТРАНСФОРМАЦИЯСИГА ҚЎШИЛИНГ



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТЎЛОВ БАЛАНСИ, ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИОН ПОЗИЦИЯСИ ВА ТАШҚИ ҚАРЗИНИНГ ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ?

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Марказий банк мутасаддилари иштирокида бўлиб ўтган “Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси, халқаро инвестицион позицияси ва ташқи қарзи” мавзусига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.



Тадбирда 2020 йилнинг I ярим йиллиги якуни бўйича Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси, халқаро инвестицион позицияси ва ташқи қарзи бўйича кўрсаткичлар тақдим этилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси тўлов баланси кўрсаткичларининг шаклланишига жаҳонда COVID-19 пандемияси билан боғлиқ ички ҳамда ташқи бозордаги ўзгаришлар, глобал бизнес фаолияти ўсишининг секинлашиши ва молиявий хатарларнинг ортиши, ташқи савдо айланмасининг пасайиши каби омиллар ўз таъсирини ўтказганлиги қайд этилди.

Шунингдек, анжуманда бир қатор статистик маълумотлар берилди. Унга жорий йилнинг биринчи ярим йиллигига, яъни 1 июль ҳо-

порти 5,2 миллиард доллар, товарлар импорти эса 8,6 миллиард доллар бўлди. Бунда экспорт ўтган йилга нисбатан 20 фоизга, импорт ҳажми эса 14 фоизга камайган.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллик якуни бўйича тўғридан-тўғри инвестициялар минус 749 млн. доллар, портфел инвестициялар эса минус 13 млн. долларни ташкил этиб, тўғридан тўғри инвестициялар ўтган йилгига қараганда 29 фоизга камайган.

Шунингдек, ташқи савдо айланмасида кўпроқ Осиё мамлакатлари ҳиссасига, яъни 9 млрд. доллар, Европа билан эса 5,1 млрд. долларга тўғри келмоқда.


Тадбирда оммавий ахборот воситалари ходимларини қизиқтирган саволларга батафсил маълумотлар берилди.

латига кўра, Ўзбекистоннинг жами ташқи қарзи 27,6 млрд. долларни ташкил этмоқда. Бунда: 10,1 млрд. доллар – хусусий сектор ҳиссасига, 17,5 млрд. доллар – давлат сектори ҳиссасига тўғри келмоқда.

Товарлар савдоси бўйича ярим йиллик ташқи савдо айланмасида товарлар экс-



ТРАНСЧЕГАРАВИЙ ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРДА ИЖОБИЙ САВДО



Жорий йил январь-октябрь давомида республикаимизга келиб тушган трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажми 4,88 млрд. долларни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 148 млн. долларга ёки 3 фоизга камайди, дейилади Марказий банк хабарига

Чет элга юборилган трансчегаравий пул ўтказмалари миқдори 934 млн. долларга етиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 67 млн. долл. ёки 8 фоизга ошди.

Натижада трансчегаравий пул ўтказмалари бўйича ижобий сальдо 3,95 млрд. долларга етди.

“Abu Dhabi Uzbek Investment” кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини ривожлантириш учун “Капиталбанк” АТБда 10 миллион АҚШ доллари миқдорига узоқ муддатли молиялаштириш линиясини очди.

“КАПИТАЛБАНК”

10 МИЛЛИОН АҚШ ДОЛЛАРИЛИК БИТИМ ИМЗОЛАДИ

Яқинда икки томонлама беш йиллик муддатга молиялаштириш тўғрисидаги битим имзоланди. Бу ҳақда банк расмий сайти маълум қилган.

“Abu Dhabi Uzbek Investment” қўшма корхонаси 2019 йил июль ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан Ўзбекистон тикланиши ва тараққиёт жамғармаси ва Абу-Дабининг эълон қилинган капитали 1 миллиард АҚШ долларини ташкил этувчи тараққиёт жамғармаси иштирокида яратилган.

Бугунги кунда “Капиталбанк” ва “Abu Dhabi Uzbek Investment” ўртасида шартнома имзоланиши узоқ муддатли муносабатларни ривожлантиришининг биринчи босқичи бўлди.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги

олти ой давомида “Капиталбанк” АТБ 100 минг АҚШ долларигача бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратди.

Ушбу мақсадлар учун банк зарур ҳужжатларни йиғиш ва расмийлаштириш жараёнини сезиларли даражада соддалаштирди, молиялаштириш тўғрисидаги қарор эса расмий бухгалтерия ҳисоботларига эмас, балки бизнес самардорлигини ҳақиқий баҳолашга асосланади. Шу билан бирга, банкнинг қарор қабул қилиш жараёни беш кун давом этади. Бундай тезкорлик, лойиҳани баҳолашга норасмий ёндашув билан бир қаторда, тадбиркорлар ва ишбилармон доиралар орасида катта талабга эга бўлди.



Миллий банкларaro процессинг маркази (МБПМ)

HUMOPay контактсиз тўлов технологиясини ишга туширди. Ушбу тўлов туридан фойдаланиш учун смартфонда NFC технологиясини мавжуд бўлиши ва у Android операция тизимида ишлаши керак. Хизмат ҳозирда Apelsin иловасида мавжуд. Яқин келажақда хизмат бошқа банкларнинг иловаларида ҳам пайдо бўлади.

ЎЗБЕКИСТОНДА HUMOPay ХИЗМАТИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

HUMOPay хизмати HUMO тўлов тизимининг барча банк-иштирокчилари, шунингдек бошқа тўлов тизимлари учун тақдим этилган. Ушбу технологияни жорий қилган биринчи банк – “Капиталбанк”нинг Apelsin рақамли филиалидир. Бу ҳақда Марказ ахборот хизмати маълум қилган.

– Сиз энди картангизни ўзингиз билан олиб юрмай, тўлов учун телефонингиздан фойдаланишингиз мумкин. Бунинг учун Интернетта боғланган бўлишингиз шарт эмас (фақат картани улаган пайтда холос), шу боис ҳатто метрода ҳам тўловни амалга оширишингиз мумкин. Терминал уни оддий карта деб билади. Ишончимиз комилки, фойдаланувчилар HUMOPay ёрдамида тўловларингиз нақадар тез, қулай ва хавфсиз амалга ошириш мумкинлигини муносиб тарзда баҳолай оладилар, – дейди

МБПМ директори Шуҳратбек Курбонов.

Смартфон билан тўлашда ПИН-код киритиш шарт эмас, чунки ҳимоя телефоннинг ўзидаги восита орқали амалга оширилади. Тўловни бармоқ изи ёки банк картаси паролдан фарқ қиладиган махсус ўйланган ПИН-код билан тасдиқлаш мумкин.

Технологиядан фойдаланиш учун Apelsin дастурини юклаб олиш (ёки энг сўнгги версиясига янгилаш) ва картани телефонга улаш лозим. Бундан ташқари, HUMO картасини исталган банкда очиш мумкин. Яқин кунларда ушбу услул билан бошқа банкларнинг ҳам бу каби иловалари орқали тўловни амалга ошириш мумкин бўлади, чунки HUMO тўлов тизимининг HUMOPay хизматида ҳар бир банк иштирок этади ҳамда бошқа тўлов хизматларида пайдо бўлади.

“ТРАСТБАНК”ДА ИЖРО ИНТИЗОМИ БЎЙИЧА ОНЛАЙН СЕМИНАР

Ўзбекистон Республикасининг янги қонун ҳужжатлари, шунингдек амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгаришларни ўрганиш мақсадида яқинда “Трастбанк” хусусий акциядорлик банкида Ижро аппарати раҳбари Суҳроб Бекжанов иштирокида “Банк тизимида электрон ҳужжатлар айланмасига ўтиш ва ижро интизоми талабларига риоя қилиш” мавзусида онлайн семинар бўлиб ўтди.



Мазкур видеоконференцияда банк филиаллари бошқарувчилари ҳамда уларнинг ўринбосарлари, кадрлар билан ишлаш бўлими мутахассислари, юридик хизмат департаменти юристконсультлари, бўлим бошлиқлари ҳамда барча ходимлардан иборат жами 420 нафар мутахассис иштирок этди.



Ташкил этилган онлайн семинарда, 2020 йил Президентимиз томонидан “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиёт йили” Давлат Дастури ижроси доирасида банк тизимида электрон ҳужжатлар айланмасига ўтиш жараёнида амалга оширилаётган ишлар ҳамда ҳужжатларни юритиш тартиблари, ижро муддатларининг ўз вақтида бажарилиши юзасидан масъул ходимларнинг раҳбарият олдидagi ҳисобдорлиги ва жавобгарлиги масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Вебинарнинг яқунловчи қисми савол-жавоб тарзида ташкил этилиб, унда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга етарлича маълумот олдилар.

Сабоҳат ХАЙТКОРИЕВА

“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ:

АҲОЛИНИНГ ИПОТЕКА КРЕДИТИ ОЛИШ ТАЛАБИ ЎСИБ БОРМОҚДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

Ана шу саъй-ҳаракатларни оммага етказиш мақсадида пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида “Ипотека-банк” АТИБ “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини бериш ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож аҳоли учун субсидиялар ажратиш механизми” мавзусида анжуман ўтказди. Унда банк масъуллари йигилганларга ипотека кредитини олиш мезонлари тўғрисида маълумот беришди.

– Ипотека кредитининг максимал миқдори бирламчи ва иккиламчи бозордан уй-жой сотиб олиш учун 323 млн. сўмгача, уй-жойларни таъмирлаш (ремонт) учун 80 млн. сўмгача бўлади, – деди “Ипотека-банк” АТИБ Давлат

дастурлари бўйича ипотека кредитлари департаменти директор ўринбосари Дилмурод Исҳоқов. – Кредит муддати эса бирламчи ва иккиламчи бозордан уй-жой сотиб олиш учун 120 ойдан 240 ойгача бўлиб, уй-жойларни таъмирлаш (ремонт) учун 120 ойгачадир. Кредит фоизи эса бирламчи ва иккиламчи бозордан уй-жой сотиб олиш учун йиллик 18%, бошлангич бадал каммида 25% кўйиш шarti билан бериллади. Уй-жойларни таъмирлаш (ремонт) учун йиллик 17% дир. Шерик қарздор тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб доимий даромадга эга бўлган биргаликда яшовчи эр-хотин ва фарзандлари ҳисобланади.

Тадбирда бозор тамойилларига асосланган ипотека

кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш мақсадида 2019 йил 28 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳамда ушбу фармон доирасида олиб борилаётган ишлар хусусида атрофлича маълумот берилди.

– Шаҳарларда арзон уй-жойларни қуриш давлат дастури бўйича, – дейди “Ипотека-банк” АТИБ Бошқарув Раиси ўринбосари Д.Зулфуқаров. – 2020 йилда Шаҳар қурилиш инвест иштирокида Республикаимизнинг шаҳарларида қурилиши режалаштирилган 4,256 та хонадонларнинг ва “Қишлоқ қурилиш инвест” иштирокидаги 8,000



та хонадонларнинг молиялаштиришнинг янги тизимини жорий этилди. Бунда ипотека кредити қурилиш жараёни бошланиши билан ажратилиш бошланади. Яъни қурилиш жараёни бошланишидан олди ҳудудий туман комиссияси томонидан фуқаролар аниқланиб хонадонларга бириктирилади, фуқаролар томонидан ўртача 15% бадал тўланади, қолган маблағлар қурилиш пудратчи томонидан амалга оширилган ишлардан келиб чиқиб ипотека кредитлари ҳисобига амалга оширилади. Қурилиш ишлари яқунда кадастри автоматик равишда фуқаро номига чиқади. Бу ўз навбатида нотариал идоралар орқали олди-сотди шартномасини расмийлаштириш жараёнини олдини олади.

Банк мутасаддилари кредит шартларини (кредит муддати – 20 йил) тушунтириб, кредит фоизи – 1 йил 7% қолган 4 йил мабойнида фо-

излар Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси миқдоригача тенг ўсиб боришини ва 6 йилдан қайта молиялаштириш ставкаси ставкасида ҳисоблаб борилишини таъкидлашди. Шунингдек бошлангич бадал – ўртача 15%; кредит суммаси – уй-жойнинг смета ҳужжатларига асосан кўриб чиқилиши тўғрисида маълумот беришди.

Шунингдек, тадбирда 2020 йилдан бошлаб амалдаги давлат дастури ҳажми қисқартирилиб, бунга қўшимча равишда янги тартиб (бозор механизми) жорий этиши борасида маълумотлар берилди. Эндилқда қурилиш бозориди эркин рақобат муҳити асосида ривожланишига ва “Ипотека тизимини” бозор тамойиллари асосида шаклланиб боришига кенг имкониятлар очиб берилганилиги алоҳида қайд этилди.

Шукур Жаббор



Реклама ўрнида

Қорақалпоғистон Республикаси банк тизими 9 ойда нималарга эришди?



Азамат ТИЛЕУМУРАТОВ
Марказий банкининг Қорақалпоғистон
Республикаси Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Қорақалпоғистон Республикаси банк тизими фаолиятида мамлакатимиз Президенти ва ҳукуматимиз томонидан белгилаб берилган устувор вазифаларни изчил амалга ошириш, банк тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва барқарорлигини ошириш, Давлат дастурлари ижросини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва банкларнинг инвестиция жараёнларидаги иштирокини янада фаоллаштиришга қаратилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидида 2020 йилнинг 1 октябр ҳолатига тижорат банклари сони 14 тани ва уларнинг шаҳар ва туманларда филиаллари сони 54 тани ташкил этади.

Банк филиаллари томонидан аҳолига ҳамда хўжалик юритувчи субъектларга қулай банк хизматини кўрсатиш, қўрсатилаётган банк хизмат турлари сонини ва сифатини янада ошириш мақсадида 20 та минибанк, 58 та махсус касса, 41 банк хизматлари марказлари ҳамда жойларда 70 та 24/7 шохобчалари аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда.

Банк тизимига қўйилган асосий вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 9 ойида давомида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш ҳамда пластик карточкалар тизимининг кенг фойдаланиш мақсадида жорий йилнинг 1 октябр ҳолатига пластик карточкалар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан солиштирганда

431,7 минг донага кўпайиб, 1451,9 мингга, терминаллар сони бўлса 11594 га кўпайиб, 25 855 га етди.

Шунингдек, банкларнинг барқарорлигини ва узоқ мuddатли ресурс базасини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида аҳолининг ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банклардаги депозитлар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 183,7 фоизга ўсиб, 1 трлн. 583 млрд. сўмни ташкил қилди. Аҳоли омонати миқдори эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 154,4 фоизга ошиб, 713,5 млрд. сўмга етди.

Ушбу натижалар ўз навбатида, банкларнинг кредитлаш ва инвестициялаш имкониятларини янада кенгайтириб, иқтисодиётнинг реал секторига ажратиладиган кредитлар ҳажмининг кўпайишига, банкларнинг инвестиция жараёнидаги муносабатла-

рининг мустаҳкамланишига ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Хусусан, шаҳар ва туманларда янгидан қўрилаётган кўп қаватли уй-жойлар қурилиши учун 83 та қурилиш корхоналарига жами 826 млрд. 546 млн. сўмлик кредит линиялари очилиб, 782 млрд. 367 млн. сўм миқдоридида кредит маблағлари ажратилгани фикримиз тасдиғидир.

Ҳозирги пайтда ушбу уй-жойларнинг кўпчилиги қисми аҳолига сотиш учун фойдаланишга топширилмоқда.

Дарҳақиқат, республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилиши натижасида сўнгги йилларда берилган кредитлар ҳажми ҳам йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Бу борада Қорақалпоғистон Республикасида ҳам жорий йилнинг 9 ойи давомида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, барча молиялаш манбаилари ҳисобидан 3006,3 млрд. сўм кредит маблағлари, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадига 5582 та субъектга 1 трлн. 130 млрд. 438 млн. сўм миқдоридида, ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробарга кўп кредитлар ажратилган.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ижтимоий

дастурлар доирасида жами 8948 та субъектларга 318,1 млрд. сўм миқдоридида имтиёзли кредитлар ажратилган.

Шундан:

– “Ҳар бир оила – тадбиркор” Дастури доирасида 8 минг 78 хонадонга жами 264,1 млрд. сўмлик;

– “Ёшлар - келажагимиз” Дастури доирасида 89 ёшларга жами 28,9 млрд. сўмлик;

– “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини” қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан 45 фуқарога жами 2,0 млрд. сўмлик;

– “Хунармандчиликни ривожлантириш” Дастури асосида 641 хунармандга жами 20,3 млрд. сўмлик;

– “Бандликка кўмаклашиш” жамғармаси ҳисобидан 12 фуқарога жами 482,0 млн. сўмлик;

– “Хотин-қизларни ва оилани” қўллаб-қувватлаш жамоат жамғармаси ҳисобидан 83 хотин-қизларга жами 2248,9 млн. сўмлик имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

Бундан ташқари, давлат-хусусий шерикчилик асосида нодавлат мактабга-ча таълим муассасалирини ташкил этиш учун “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан 81 та субъектга жами 160 млрд 786 млн. сўмлик кредит линиялари очилган бўлиб, 150 млрд 593 млн. сўм кредит маблағлари ажратилган.

Шунингдек, 2019-2021 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс

ривожлантириш дастурлари доирасида 2020 йилнинг 1 октябр ҳолатига 318 та лойиҳаларни молиялаштириш учун жами 3 трлн. 835 млрд. сўмдан ортиқ кредит маблағлари йўналтирилди.

Президентимизнинг 2019 йил 7 ноябрдаги “Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик тармоқларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Бўзотов, Мўйноқ, Тахтақўпир ва Қўнғирот туманларида чорвачиликни ривожлантириш учун аҳоли ҳамда тадбиркорларга тегишли шарт-шоритлар имтиёзлар яратилди. Бу ўзининг дастлабки самараларини бериб, йил бошидан ушбу ҳудудларда 91 та лойиҳа бўйича 107,7 млрд. сўм миқдоридида тижорат банклари томонидан кредит маблағлари ажратилди.

КОРОНАВИРУС пандемиясининг салбий таъсирини юмшатиш, бу даврда аҳоли ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган чораларига доир ўтган қисқа давр ичида 5599 та тадбиркорлик субъектларининг 745,8 млрд сўмлик кредит қарздорликлари бўйича имтиёзли давр белгиланиб “кредит таътили” берилди.

Қорақалпоғистон Республикасида कोरोनाвируси пандемияси сабабли 2020 йил март-июль ойлари давомида пул тушуми камайиб кетган тадбиркорлик субъектлар сони 2161 тани ташкил қилиб, шундан бугунги кунга 2073 та корхона ўз фаолиятини тиклаган.

Қорақалпоғистон Республикасида банк тизими барча имкониятларни ишга солиб, кредитлар ҳисобидан янги ва қўшимча иш ўринларини яратишга қаратилган истиқболли лойиҳаларини амалга ошириш, шу орқали мамлакат иқтисодиётининг барча жабҳаларида фаол қатнашиб, ўз навбатида ҳалқимизнинг келажаққа ишонч билан боқишларига имкон беради.




(Бошланиши 1-саҳифада)

Ўйлаб кўринг, агар оддийгина юмуш билан банкка мурожаат қилган истеъмолчи унинг хизматидан ўз вақтида ва сифатли фойдалана олса, режасига кўра кейинги босқичдаги ишларини бажаришда қийналмай нафақат ўзининг даромадини кўпайтира олади, балки ҳудуд, қолаверса, мамлакат ривожига муносиб ҳиссасини қўшади. Бунга эришиш учун эса, дунё тажрибасида ўзини оқлаган ва бизнинг шароитимизга мос келадиган янгидан-янги илғор, инновацион ғоялар, лойиҳа ва тажрибадан самарали фойдаланишни талаб этади. Б. ўз навбатида, банк муассасаларининг фаолиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Чунки, ҳар бир кўрсаткич, унинг ўсиши, авваламбор мижозларнинг оқими ва кўрсатилган хизматлардан қай даражада эканлиги билан ҳам бевосита боғлиқ.

Айрим рақамларга мурожаат қиламиз. Вилоятда жами 42 та банк хизматлари офислари мавжуд бўлиб, Денов туманида 9 та, Термиз шаҳрида 6 та, Жарқўрғон туманида 5 та, Қумқўрғон туманида 4 та, Шеробод ва Бандихон туманларида 3 тадан, Ангор, Олтинсой, Сарисийё, Шўрчи, Узун туманларида 2 тадан, Термиз ва Бойсун туманларида 1 тадан марказлар фаолият юритиб келмоқда.

Банк хизматлари мижозларга яқинлаштирилмоқда



Аҳоли вакиллари, шу жумладан, тадбиркорлар банк хизматлари марказларида банк филиалига ташриф буюрмасдан консалтинг, ҳисоб-рақам очиш, омонат ва кредитларни расмийлаштириш, валюта айирбошлаш, жамғарма, коммунал тўловлари ва халқаро пул ўтказмалари каби хизматлардан кенг қамровда фойдаланишлари мумкин. Бундай қулайликларнинг олис ва энг чекка жойларда ҳам қанот ёзиши эса мазкур йўналишдаги имкониятларни янада кенгайтириш баробарида аҳолини тадбиркорлик соҳасига жалб этишга доир ҳаракатларни янада кучайтириш, банкка бўлган ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилади, албатта.

Илгарилари у ёки бу банк хизматидан фойдаланиш учун, узок йўл босиб, соатлаб, баъзида бир кунлаб вақт сарфланган бўлса, энди бундай сансалорликка чек қўйилиб, мижозга бўлган муносабат тубдан ўзгармоқда.

Дарвоқе, яна бир қулайлик хусусида. Ҳозирги кунда вилоятимизда 78 та кечаю-кундуз ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи 24/7 режимида ишловчи шахобчалар фаолият юритмоқда ва бу замонавий тармок тобора кенгайиб бораёпти. Барча туманлардаги 24/7 ўз-ўзига хизмат кўрсатиш шахобчалари, банк филиаллари ва аҳоли гавжум жойларда ўрнатилган 37 та банккоматлар ёрдамида мижозларга нақд валюта айирбошлаш хизматлари кўрсатилмоқда.

Тижорат банклари томонидан таклиф этилаётган мобил иловалари орқали банк эшигини қоқмасдан мустақил равишда ҳар қандай турдаги тўловларни амалга ошириш, омонат қўйиш, халқаро пул ўтказмалари, конвертация амалиётлари ҳамда кредит олиш каби хизматларидан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлиб, ушбу тизим ҳам замонавий талаблар асосида такомиллашиб бормоқда. Айтиш кераки, бу ўзгаришлар соҳадаги ўзига хос рақобатни ҳам кучайтириб, бундан аввало мижозлар ютади. Банк муассасалари эса доимий равишда изланишда бўлиб, фаолиятини такомиллаштириб боришга интилади. Бу узлуксиз жараён зиммамизга катта масъулият ва долзарб вазифаларни юклямоқда.

Кейинги йилларда барча йўналишлардаги каби, банк-молия соҳасига қаратилган юксак эътибор туфайли бу борадаги ишларни жаҳон андозалари асосида ташкил этиш, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос салоҳияти ва жиҳатларидан оқилона фойдаланиш йўли билан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатларини тезлаштиришга эришилмоқда. Бундай янгиланишлар эса учинчи ренессанс даврини бошлаётган мамлакатимиз куч-қудратини ошириб, ҳар биримизнинг бугунги ва эртанги кунга бўлган ишончимизни мустаҳкамламоқда.

Элбек НОПМАТОВ
Марказий банк Сурхондаре вилоят
Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Жиззах вилоятида тўлов тизимлари ривожига қай аҳволда?



Илёр МИРЗАЕВ
Марказий банк Жиззах вилоят Бош бошқармаси
Тўлов тизимлари инфратузилмалари ва
ахборот технологиялари бўлими бошлиғи

(Бошланиши 1-саҳифада)

Хусусан, бугунги кунда тижорат банклари томонидан вилоятнинг шаҳар ва туманларидаги аҳоли гавжум жойларида 223 та банккоматлар ўрнатилган бўлиб, шундан 131 таси "HUMO" тизимида ишловчи, 92 таси "UZCARD" тизимида ишловчи банккоматлар аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда.

Аҳолига нақд пулда хизмат кўрсатувчи савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчалари 14700 га яқин тўлов терминаллари билан таъминланган. Шундан 6800 га яқини "HUMO" замонавий контактсиз тўлов технологиясига эга бўлган тўлов терминаллари, 7900 га яқини эса "UZCARD" тўлов терминаллари. Шунингдек, вилоятнинг тижорат банклари томонидан шу кунга қадар 704 минг пластик карталари эмиссия қилиниб аҳолига тарқатилган бўлса, шундан 193 мингдан зиёд "HUMO" пластик карталари, 510 мингдан зиёд "UZCARD" пластик карталари эмиссия қилинган.

Аҳолига қулайликлар яратиш ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ҳамда нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш мақсадида савдо ва хизматлар кўрсатиш пунктларида сотиладиган товарлар ва хизматлар учун аҳоли томонидан тўловларни амалга оширишда контактсиз технологияларини қўллаган ҳолда QR-код ёрдамида тезкор амалга ошириш имкониятини яратиш учун "QR-online" тизими амалиётга жорий этилган. Бунда "QR-online" тизимида рўйхатдан ўтган хўжалик юртувчи субъектларига тўловларни қабул қилиш учун QR-кодлар тақдим этилади. Товар ёки хизматларни сотиб олувчи томон смартфонни орқали савдо пунктига тегишли бўлган QR-кодни мобил иловалари орқали сканер қилиш орқали тўловни амалга оширишлари мумкин.

Ҳозирги кунда вилоят ҳудуди бўйича тижорат банклари томонидан 1500 га яқин хўжалик юртувчи субъектлар "QR-online" тизимидан рўйхатдан ўтган. Жорий йил якунига қадар "QR-online" тизимидан рўйхатдан ўтган хўжалик юртувчи субъектлар сонини 5 000 га етказиш кўзда тутилган.

Жорий йилнинг феврал ойидан бошлаб тадбиркорлик субъектларининг тўлов операциялари туну кун онлайн режимида

"Анор" тезкор тўловлар тизими орқали амалга ошириб келинмоқда. Мазкур тизим дам олиш ва байрам кунларида ҳам узлуксиз равишда реал вақт (24/7) режимида юридик шахслар ва яқна тартибдаги тадбиркорлар ўртасида пул маблағларининг банклараро ўтказмаларини амалга ошириш ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловларни масофадан туриб банкка ташриф буюрмаган ҳолда ўтказиш имкониятини беради. Бу эса пул ўтказмаларини ҳеч қандай тўсиқларсиз ва ўз вақтида амалга ошириш учун жуда муҳим ва қулайдир. Бу бўйича, Жиззах вилоят тижорат банклари ўз юридик мижозларига интернет банкинг ҳамда мобил банкинг банк хизматларини улаб берган ҳолда уларга тезкор тўловлар имкониятлари ҳақида тушунчалар бериб бормоқда.

Бундан ташқари "HUMO" миллий тўлов тизими инфратузилмасини янада кенгайтириш мақсадида интерактив банк хизматларидан бири бу "HUMOPay" тўлов хизматидир. Миллий банклараро процессинг маркази "HUMOPay" контактсиз тўлов технологиясини NFC технологияси билан таъминланган воситалар орқали (банк картасидан фойдаланмаган ҳолда) контактсиз тўловларни амалга ошириш, жумладан, мобил иловаларда банк карталарини бириктирган ҳолда, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида улар орқали амалга ошириш имкониятини яратиш мақсадида ишга туширди. Ушбу тўлов туридан фойдаланиш учун смартфонда NFC технологияси мавжуд бўлиши ҳамда Android операцион тизимида ишлаши керак. Хизмат ҳозирда Apelsin иловасида мавжуд. Яқин келажақда хизмат бошқа тижорат банкларининг иловаларида ҳам пайдо бўлади.

Юқоридаги янги интерактив банк хизматларини тарғибот ташвиқот ишларини олиб бориш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини ундан хабардор қилиш, улардан фойдаланиш ҳамда кенгроқ тушунчалар бериш мақсадида вилоятнинг тижорат банклари мутахассислари жойларга чиққан ҳолда семинар-тренинглар ўтказиш бўйича режа графиги ишлаб чиқилган бўлиб, банк хизматларининг оммабоплигини таъминлаш кўзда тутилган.

“МАЛИБУ” УРИЛДИ, КРЕДИТ НИМА БЎЛАДИ?

Бугун автомашина олиш эришиб бўлмас орзулар сирасига кирмайди. Ҳар қадамда курилиш, лизинг, кредит ва бошқа молиявий хизматлар мавжуд. Аммо қарздорлик тўлиқ тўланмагунча мол-мулк эгаси ҳисобланмайси. Агар ишингиз, соғлигингиз ёки олган мулкнингизга раҳна солувчи хатарлардан ҳимояланишга ва уларнинг олдини олишга одатланмас экансиз, орзуларингиз саробга айланиши мумкин.

Андижон аҳли молиявий таваккалчиликларга энг журъатли десак, муболага бўлмайди. Чунки, ҳар қарич еридан унумли фойдалана оладиган деҳқон, энг замонавий иссиқхоналар қурган ишбилармон, янгиларни биринчилардан бўлиб ҳаётга тадбиқ этувчи тадбиркор айна шу заминда бисёр.

Жумладан, пахтаободлик Сардор Файзиев яхши ниятлар билан кредитга “Малибу” русумидаги автоулов олди. Афсуски, қутилмаганда юз берган авто ҳалокат унинг хурсандчилигини чиппака чиқараёзди.



– Ўзи йўл қондасига амал қилмайдиган ҳайдовчилардан эмасман. Йўлларимиз сифати талабга жавоб бермагани учун шу ҳодиса юз берди, деб ўйлайман. Ўзингиз ўйланг, яп-янги мошина сирпаниб дарахтга бориб урилса, кимнинг ҳам асаби бузилмайди. Муҳими, ўзим ва бошқаларнинг соғлигига зарар етмади. Банкдан олинган кредит мажбуриятларим яъни кўрилган қарийб 9 миллионлик зарар “Ўзагросугурта” АЖ компанияси томонидан қоплаб берилди. Яхшики, машина ихтиёрий сугурталанган эди. Бўлмаса, ортиқча чиқим дард устига чипқон бўларди. Шу тарафдан хурсандман, – дейди у.

Ихтиёрий сугурта, яъни КАСКО сугурта тури бўлиб, унга кўра автомобилнинг нархи баҳоланади ҳамда умумий сугуртанинг 1 фоизини тўлаш орқали бир йилга сугурта жавобгарлиги олиб борилади. Бу сугурта тури барча сугурта ҳодисасида рўй берган бахтсиз ҳолатларни ўз ичига олади. Содда айтганда, айбдор бўлсангиз ҳам Сизга сугурта товони тўланади.

Эслатиб ўтамиз, бугунги кунда “Ўзагросугурта” АЖ Андижон вилояти филиалида 10 та туман бўлинмаси ҳамда 7 та сугурта маркази орқали жисмоний ва юридик шахсларга сугурта хизматларини кўрсатиб келишмоқда. Аҳоли учун сифатли хизматларни тақдим этиш мақсадида бугунги кунда 90 нафар ходимлар ва 100 нафардан ортиқ сугурта агентлари меҳнат қилиб келишмоқда.

“Ўзагросугурта” АЖ Андижон вилояти филиали томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 620 та ҳолат бўйича 1 миллиард сўмдан ортиқ сугурта товонлари амалга оширилди.

“Ўзагросугурта” АЖ
Ахборот хизмати

Сугурта компанияси зарарни қоплашдан воз кечса нима қилиш керак? Бу саволга Монополияга қарши курашиш кўмитаси Матбуот хизмати ҳаётий воқеа асосида ойдинлик киритди.



СУГУРТА КОМПАНИЯСИ ЗАРАРНИ ҚОПЛАШДАН ВОЗ КЕЧСА НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, мамлакатимизда, 2020 йилнинг биринчи ярмида (январь-июнь ойлари) жами 2388 та йўл-транспорт ҳодисалари (кейинги ўринларда ИТХ) содир этилган. Ушбу ИТХлар оқибатида умумий 1746 киши тан жароҳати олган, йўл-транспорт ҳодисаларининг 383 таси болалар, 1154 таси пиёдалар ва 101 таси велосипед иштирокида содир этилган.

Шу ўринда, бир савол тугилмоқда: нима сабабдан бирданига йўл-транспорт ҳодисалари ҳақида сўз кетмоқда? Боиси, рўй берган ҳар қандай ИТХ тўғрисида-тўғри сугурта билан боғлиқ масалаларга тақалади. Янада аниқроқ айтилган бўлса, бу, компания миждозлари олдида ўз мажбуриятларига белбандлик қилган ҳолатларда яққол намоён бўлади.

Биз бугун ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа ҳам бевосита ИТХ билан боғлиқ бўлиб, мазкур ҳодиса оқибатида жабр кўрган фуқаро ва Сугурта компанияси ўртасида келиб чиққан муаммолар тўғрисида.

Фаолиятимиз давомида Сугурта компаниялари юз берган ИТХ оқибатида, жабрланган шахсга нисбатан етказилган зарарни айбдор томонидан тўлиқ қопланганлиги тўғрисидаги ҳикоясини асос қилиб олиб, жабрланган шахснинг соғлиги ва мол-мулкига етказилган зарарни қоплашдан бош тортуган ҳолатлари кўпайиб кутатилмоқда.

Хусусан, Фарғона вилояти, Ёзёвон тумани Тегирмонбоши МФЙ Тинчлик кўчаси, 7-уйда истиқомат қилувчи Элбек Камолов Монополияга қарши курашиш кўмитасининг ҳудудий бошқармасига ариза билан мурожаат қилиб, 01.08.2019 йил кuni Ёзёвон туманидан ўтувчи “Тошкент-Ўш А-373” автомобиль йўлида ИТХ содир этганлиги ва оқибатда йўловчи

фуқаро Билол Муҳаммаджонов оғир тан жароҳати олганлигини маълум қилган.

Юз берган ҳодиса оқибатида жабрланган Билол Муҳаммаджоновни соғлиғига етказилган зарар мурожаатчи томонидан тўлиқ қопланган. Фуқаро Элбек Камолов транспорт воситасини мажбурий сугуртадан ўтказган сугурта компаниясининг Ёзёвон тумани бўлимидаги жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш учун сугурта қопламасини олиш бўйича мурожаат қилганда, сугурта компанияси томонидан жабрланувчи Билол Муҳаммаджоновнинг соғлиғига етказилган зарар суд қарорига асосан (Э.Камолов) томонидан қопланганлиги вақ қилиниб, мурожаат рад этилган.

Бу борада, компания ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”-ги Қарорининг 54-бандига (4-шлова) мувофиқ бузилган, яъни сугурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий сугурта шартномаси бўйича сугурталанган бошқа шахс) сугурта ҳодисаси содир бўлганда зарарни бартараф қилиш ва (ёки) камайтириш чораларини кўрганлиги ёхуд жабрланувчига кечиктириб бўлмайдиган ёрдам кўрсатганлиги сугурталовчининг ушбу Қондаларга мувофиқ ўзи учун белгиланган мажбуриятларни бажаришни рад этишига асос бўлмайди.

Шу боис, сугурта компаниясининг Фарғона филиалининг 20.10.2020 йилдаги “Сугурта тўлови бўйича комиссияси” йиғилиши қарорига кўра, фуқаро Элбек Камоловга 2 млн. 730 минг сўм маблағ ИТХ содир этилган санадан роппа-роса 14 ой ўтиб тўлаб беришга қарор қабул қилиниб, шу асосида ушбу маблағлар сугурта компанияси томонидан Элбек Камоловга нисбатан ундирилди.

Пўлат МАЛИКОВ тайёрлади

“АГРОБАНК” МОЛИЯВИЙ КЎМАГИДА ЗАМОНАВИЙ ИССИҚХОНА ФАОЛИЯТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Тошкент вилоятининг Зангиота туманида ҳам аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасиди кенг кўламли ислохотлар олиб борилмоқда.

Бу борада мамлакатимизнинг етакчи банкларидан “Агробанк” АТБ томонидан тадбиркорларнинг тижорий лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлашда фаол иш олиб борилмоқда.

Буни мазкур туманда фаолият бошлаган “GIGANT GREEN EXPORT” МЧЖ замонавий иссиқхона лойиҳаси мисолида кўриш мумкин.

Ушбу лойиҳа “Агробанк” ҳамкорлигида жорий йилнинг сентябрь ойида ишга туширилган. Лойиҳанинг умумий қиймати 4.9 миллион доллар бўлиб, шундан 3.9 миллион доллар миқдоридида кредит маблағи банк ҳиссасига тўғри келади.

Гидропоника усулида экилган иссиқхонадаги помидор кўчатлари айни ҳосил беришни бошлаган.

Парвариш жараёни Туркия ва Испания технологиялари асосидаги ускуналар ёрдамида бошқарилади.

Ҳаво ҳарорати ва намлигини меъёри-

да сақлаш, кўчатларни ўғит ва озуқа билан ўз вақтида таъминлаш, ҳар бир томчи сувнинг етказиб берилиши аниқ ҳисоб-китоб асосидаги компьютерлаштирилган тизим назоратида бўлади.

Тадбиркорлар декабрь ойининг ўрталарида биринчи ҳосилни бозорга чиқаришни мўлжаллашмоқда.

Экспортбоп маҳсулот етиштириш нафақат замонавий ускуналар балки ўзига хос парвариш технологиясига ҳам боғлиқ. Шу боис ҳам иссиқхонадаги агротехник тадбирлар туркиялик мутхассислар ҳамкорлигида олиб борилмоқда.

Ушбу лойиҳа йилига 1000 тоннадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу эса озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ҳудуднинг экспорт салоҳиятини ошириш ва янги иш ўринлари яратилиши имкониятини бераётганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

ЎЗА

ҲАМ СЕРДАРОМАД, ҲАМ СОҒЛИҚҚА ФОЙДАЛИ

Куёнчилик нафақат гўшт етиштиришда даромад келтиради, балки тўқимачилик саноатида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Куён жунидан тайёрланган маҳсулотлар шифобахш хусусиятларга эга бўлиб, қон микроциркуляциясини яхшилаш, бўғимларда оғриқни камайтириш, қон томирларига фойдали таъсир кўрсатади, иссиқликни сақлаш ва тўплаш, организмга ижобий таъсир кўрсатадиган электростатик майдон ҳосил қилади.

Ушбу хусусиятлар узоқ вақтдан бери ревматизм, артрит, радикулит, невралгияни даволашда муваффақиятли қўлла-нилиб келинмоқда. Мўйнали жун, бошқа нарсалар қатори, ҳилоаллерген ҳисобланади, маҳсулотларни болалар ҳам, қариялар ҳам кийишлари мумкин.

Куён хомашёси табиийдир, илқликни қўй жунидан бир неча баравар кўп сақлайди. Ҳавони яхши ўтказди. Шунинг учун ундан тайёрланган маҳсулотларга доимо талаб юқори, айниқса, қиш мавсумида.

Куён момигининг ип калавасидан бош кийимлар, куртқалар, пальтолар, пайпоқ, қўлқоплар, шарфлар, свитерлар ва бошқа кўп маҳсулотлар тайёрлаш мумкин. Шу боис, бугун дунё энгил сано-

ати ривожланганига ва бозорни сунъий матолар билан тўйинганлигига қарамай, ҳар доим табиий материалларга талаб юқори бўлаган.

Айниқса, жун матоси жуда юмшоқ ҳисобланган Ангора қуёнининг момигини етиштириш бўйича жаҳонда изчил саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Ангора қуёни узун мўйнаси туфайли амалий ва декоратив мақсадларда етиштириладиган қуён зотлари гуруҳига мансуб бўлиб, насллар жун олиш мақсадида қўлайтириш учун ишлатилади. Бу борада Хитой ангора қуёнларидан мўйна ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчидир. У йилига 8 минг тоннадан ошиқ мўйна ишлаб чиқаради. Ундан кейинги ўринларда Европа давлатлари орасида, қуёнларнинг мўйнали зотларидан жун ишлаб чиқариш бўйича етакчилар Франция, Чехия, Польша ва Венгрия туради.

Агар юртимизда ҳам кейинги йилларда АТБ “Микрокредитбанк” ёрдамида ташкил этилаётган куёнчилик кластерлари ва соҳани ривожлантиришга эътибори қаратаётганини, инobatта олсак, ажаб эмас мамлакатимиз ҳам бу соҳада жаҳонга чиқса.

Б. МЕЙЛИЕВ

Совуқ ҳаво кириб келиши билан ҳамма кийим кечак олиш учун бозорга тушади. Албатта биринчи навбатда, оёқ кийим мустаҳкам бўлиши керак. Буни билган олгирроқ сотувчилар эса, оёқ кийимларни икки баробар қимматга сотади. Яқинда пойтахтимизнинг “Ипподром” бозори оралаб шу фикрга келдим.

НАРХ- НАВО ОШИШИ КИМГА ЁКИ НИМАГА БОҒЛИҚ?

Бир дўконга кириб ўзимга маъқул бўлган қишки пойабзални сўрасам нақ 600 минг сўм деди. Қимматлигини айтиб бошқа арзонроқларини кўрсам уларнинг ҳеч қайсиси маъқул келмади. Энди дўкондан чиқаётганимда сотувчи йигит:

– Ака ўша 600 минг сўмлик “салок”ка қанча берасиз, келиштириб бераман.

– Нархи жуда баланд экан, имкониятим етмайди.

– Майли қанча бера оласиз, айтингчи?

– 600ни ярмини, 300 минг сўм бера оламан.

– Бўпти озгина кўшинг, бераман.

онларни давринг келди суриб қол қабилида тушунишиб, чўнтагини қаппайтиришга ўтиб кетади. Яхши ҳамки, давлатимиз томонидан нарх-наволарнинг асоссидаги кетишига қарши турли чора-тадбирлар кўриб келинади. Бўлмаса, айрим “учар тадбиркор”нинг дастидан нарх-наво бугунгидан-да баланд бўлиши ҳеч гап эмас.

Шу ўринда Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатномасидаги “ҳар биримиз ўзимизни “ҳалоллик вакцинаси” билан эмлашимиз” керак нега десангиз жамиятимизда ҳар бир нарсани бир-бирига узвий занжир сифатида боғланган. Бир соҳанинг ривожини кейинги соҳани тараққий этишига хизмат қилади. Ёки бир



Хуллас, 600 минг сўмлик пойабзал 350 минг сўмга тушди.

Буни қарангки, пули бор киши тортишиб ўтирмас экан. Ёшгина бир йигит дўконга кириб, сотувчилар билан тортишмасдан айтган пулига олди.

Лекин кишини бир ўй қийнайди. Айни мавсумдан фойдаланиб, бир маҳсулотга бир неча баробар нарх қўйиб сотиш тўғримики?

Афсуски, мавсумдан фойдаланиб қолиш одати барча савдо билан шугулланувчиларга хос одат. Масалан, янги ўқув йили бошланиши билан мактаб бозорлари, болалар кийим-кечаги, янги йил байрамига яқин эса озуқа маҳсулотларининг бозори қаққонлашиб, нархи осмонга чиқиб кетаверади. Бундай мисолларни барча товарларга нисбатан айтиш мумкин.

Бу бозор қонуни, талаб ўстаини сари нарх ошиши оддий ҳол десангиз, сизнинг ҳам фикрингизга қўшиламиниз. Аммо бизнинг айрим савдо-сотик билан шугулланувчи ходимларимиз бундай

кишининг эзгу иши қўллаб инсонларни яхшиликка чорлаши мумкин.

Сўзимизни бозорга боғлайдиган бўлсак, агар сотувчи маҳсулотининг устига 40-45 фоиз эмас, балки 20-30 фоиз қўйса нарх биров пастлаган бўлармики?! Агар улгурчи савдо-сотикда шундай қилинса-чи? Арзон олган киши арзон сотади-да. Олган харидор ҳам арзон олгани ҳисобига яна қўшимча товар олиш имкониятига эга бўлади. Яъни, бу ерда пулга барака киради.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги нарх-навою инфляциянинг ошишига озми-кўпми ўзимизнинг ҳам ҳиссамиз бор. Инсоф сари барака дейдилар-ку. Сиз нима дейсиз?!

Даврон АСҚАРОВ

Газетамизнинг аввалги сонларида таъкидлаганимиздек, бу соҳада, яъни ирсият йўналишида нанотехнология, генетик операциялар фақат ҳаддан ошиш, холос. Буни қаранги, генларнинг керакли комбинацидан фойдаланиб ўзимиз хоҳлаган рангли, мазали, ҳидли, шаклли ва бошқа параметрли меваларни олиш мумкин экан. Бироқ, ГУМларни ишлаб чиқариш жараёнларни бузишда (яъни ейладиган донлар ва мевали дарактларни, одамлар ва ҳайвонларни бепушт қилиб қўяди.

Шундай генлар борки, маълум бир хужайраларни яқсон қилади. Яъни венгер олими Арпад Руштаи тажрибаларидаги сичқонлардек. Ва яна шу аснода турли касалликларни келтириб чиқаради, ўлимга ҳам олиб келиши мумкин. Инсонларнинг руҳиятига ва дунёқарашларига, физиологик жараёнларга таъсир этувчи генлар бундан ташқари қандайдир бир белгилар гуруҳига боғлаб қўйилиши мумкин. Масалан терининг ва кўзнинг ранги, сочининг туси ва тузулиши, ирқий, миллий ва бошқа генетик аломатларига қараб таъсир этишини тадқиқотчилар илмий прогноз қилган. Мисол учун, одамларнинг ким нима билан озиқланса ўша нарсага феъл, сифат ва бошқа аломатлар билан ўхшаб қолади деган гапда бирмунча ҳақиқат бор.

Айтайлик, ҳамма ГУМ маҳсулотларини истеъмол қилишга ўтди дейлик. Бу ҳолда диний ва ахлоқий мезонлар, тақдирлар нима бўлади. Вегетарианлар ўзлари истеъмол қиладиган мева ва сабзавотларда ҳайвон генлари аралашганлигини хоҳлашмаса, мусулмон ва яҳудийлар чўчка генлари аралашган маҳсулотларни иштамайди. Нима ГУМ ишлаб чиқарувчи корпорациялар, космополитлар, сионистлар ва бошқа ташкилотларни йўриғига юриш учун диний, миллий, ахлоқий мейёрлардан воз кечиш керакми?!

Икки хил қолипдан (генетик чатиштириш) фойдаланиш ҳар доим ҳайвоноту набодотни ҳар доим топташ, инсон ҳуқуқларини поймол қилишга олиб келади. Агар ГУМ ғаразли кишилар ёки гуруҳлар қўлига ўтиб қолса даҳшатли оммавий қиргин қуролига айланиши мумкин. Шунингдек, у одамлар ва ҳайвонларга оммавий йўналтирилган, улар ҳаётига таъсир қилувчи, умуман, табиатга қаратилган душман қуролга айланиши мумкин.

2004 йил 18 октябрда Ўзбекистон Фанлар Академияси раҳбариятининг такли-

фи билан Япониянинг Нагоя институти асосий биология профессори Мурата Ноира Тошкентга келган эди. У биоорганик кимё институтида қилган маърузасида денгиз микро организмларининг тузга бардошлилик омиллини генлари ўзгартирилган шולי, помидор, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларига кўчириб ўтказиш технологияси ҳақида гапирган эди. Генетик ўзгартиришлар натижасида бу ўсимликлар чўл, шўртупроқ ерли шароитда ривожланиш хусусиятига эга бўлар экан. Шу билан биргаликда иқлими паст даражага ҳам чидамлилиги ортар экан. Ўзбекистонда барча экин майдонларининг 60 фоизи, хусусан, Навоий вилоятда 70 фоиз, Бухоро вилоятда 96 фоиз, Сирдарё вилоятда 86 фоиз, Хоразм вилоятда 89,8 фоиз ҳамда Қорақалпоғистонда 87 фоиз (ҳозир бу ерда бухрон туфайли шўрхоқли даражаси ошиб бормоқда) ерлар шўрхоқ эканлигини ҳисобга оладиган бўлса, хорижий тадқиқотчининг таклифи биз учун албатта қувонарли янглик. Лекин, олимларимиз япон олимларининг биргаликда илмий изланиш борасидаги бу таклифларини катта шодлик билан кутиб олмадилар. Чунки, азалдан биз "етти ўлчаб, бир кесадиған" халқимиз. Меҳмонларни ҳам хафа қилиб қўймаймиз. Аммо шўрхоқлик ҳам қилмаймиш. Бу импорт маҳсулот, Канаданинг бирийллик картошкасими (бирийллик картошка уруғ бермайди, демек ГУМ маҳсулоти бўлиб чиқиши ҳақиқатдан йироқ эмас) нима бўлса ҳам суриштириб еймиз. Шаҳар бедарвоза эмас, лекин билиб бўлмайди, инчунун, истеъмол қиладиган нарсангизни, арзон, ялтироқ идишда бўлмаса ҳам табиийсини аслини суриштириб ейишигини тарафдоримиз. Баъзи ширкатлар ишлаб чиқараётган озиқ-овқат маҳсулотларини "генетик коди ўзгартирилмаган, соф табиий маҳсулот" - дея реклама қилишади. Бундан биз истеъмол қиладиган озиқ-овқатларнинг ичида гени ўзгартирилганлари борлигини англаш мумкин. Гени ўзгарган озиқ-овқатларнинг организмга зиёни борми? Ўзбекистонда ген муҳандислиги йўналишида ишлар қай даражада?

Генлари ўзгартирилган маҳсулотлар бизга керакми?!

Статистик маълумотларга қараганда, дунё аҳолиси 4 миллиардга ўтди, 2 миллиардга етказган. Бироқ яна 2 миллиардга ошиши учун 46 йил, кейинги икки миллиард учун эса бор-йўғи 22 йил етарли бўлар экан. БМТ нинг маълумоти бўйича, 2050 йилга бориб, дунёда аҳоли сони 9 миллиард, айрим ҳисоб-китобларга қараганда эса 14 миллиардга етиши мумкин экан. Мазкур кўрсаткичлар аҳолининг ўртача умри узайганлиги, ўлимнинг эса камайганлигини кўрсатади. Бу миқдордаги аҳолини ичимлик суви, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш келгусида муаммага айланиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Инсоният нифуси геометрик, озиқ-овқатлар эса арифметик прогрессияга биноан ўсиб бормоқда. Сўнги йилларда глобаллашган иқлим ўзгаришлари, сув тоқинлари, ўрмон ёнғинлари, экологик муаммолар, қургўчилик, тупроқ шўрланиши, зараркунанда ҳашаротлар ва фитовируслар таъсирида ўсимликларнинг нобуд бўлиши ёки кам ҳосил бериши, тайёр озуқа маҳсулотларини истеъмолчига етказиб беришдаги қийинчиликлар туфайли уларнинг айниши каби омишлар бу муаммони янада жиддийроқ кўринишга келтирмоқда. Хўш, бундай глобал даражага чиқиб улгурган муаммага олимлар қандай ечим излаётдилар?

Ген муҳандислиги, клонлаш, биотехнологик усуллар орқали геноми ўзгартирилган ўсимлик ва ҳайвонлар етишти-

риладиганлиги ҳақидаги хабарлар жаҳон матбуотида тез-тез чоп этиладиган бўлиб қолди. Чунки ҳозирча озиқ-овқат муаммосига айнан мана шу йўллар орқали ечим изланмоқда. Нефть, кўмир ва газ шу тарафда тежалмасдан ишлатилар экан, энергия манбалари 40-50 йил ўтиб поёнига етиши мумкин. У ҳолда инсоният хавфли бўлса ҳам ядровий энергияга мурожаат қилишга мажбур. Шунинг учун эрта-индин қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳосилдорлигини оширишда ҳам трансген ўсимлик ва ҳайвонларни кўпайтиришга эҳтиёж пайдо бўла бошлади. Лекин, табиий маҳсулотни сақлаш, Яратганининг низомига амал қилиш ҳам ўз қўлимизда. Генетик ва биокимёвий усуллар орқали хужайрадаги бирор моддани синтезловчи генларни фаоллаштириш ва керак бўлмаган ген фаолиятини вақтинча тўхтатиш ҳамда шунинг эвазига серҳосил, тезпишар, шу билан бирга турли зараркунанда ҳашарот ёки вирусларга чидамли трансген ўсимликлар, серўшт, серсут трансген ҳайвонлар олиш мумкин. Шунинг учун дунё бу амалиётга қизикмоқда. Бироқ бу ишда фойда-зарар дилеммаси ишлаб чиқиш талаб қилинади.

Албатта, ген муҳандислиги ва биотехнология йўналишидаги "опамшумул ютуқлар" талқинида жамоатчилик орасида қарама-қарши фикрлар бежиз эмас. Бундай ташвишли хабарлар республикамиз матбуотида ҳам чоп қилинмоқда. Тўғри, ген муҳандислиги усуллари қўлланиладиган ва деярли ҳеч қандай эътирозларга учрамаган соҳалар ҳам мавжуд. Булар, жумладан, криминалистикада молекуляр дактилоскопия (яъни ДНК орқали шахсиятни аниқлаш), тиббиётда ирсий касалликларга тахшиш қўйиш ва даволашда, вакциналарнинг янги авлодлари ҳамда доривор моддалар синтези, турли микробиологик тадқиқотларда фойдаланиш ва ҳоказо. Бироқ, баҳс мунозаралар асосан ген муҳандислиги усулларини озиқ-овқат маҳсулотларига қўллаш масаласида, аниқроғи, гени ўзгартирилган озуқаларнинг инсон организмга қанчалик зарарли ёки безарар экани борасида бўлмоқда. Тўғри, ҳар бир илмий кашфиётни фойдали тарафга ишлатиш мумкин бўл-

ганидек, зарарли томонга ҳам қўллаш мумкин: атом энергетикаси ва атом бомбаси каби. Муҳими, гап уни қимлар, қайси мақсадда ва қанчалик биоэтика қоидаларига риоя қилган ҳолда ишлатишида. Кўп олимлар гентехнологиясидан безорга чўчиётгани йўқ.

Гентехнологияга мойил баъзи олимларнинг фикрича, битта ўсимлик ёки ҳайвон хужайраси минглаб генлардан ташкил топгани боис, бир-икки гени кўчириш, организм тuzилишида янги бир турни ҳосил қилмайди. Масалан, 80000 та гени бўлган буғдойга иккита геннинг қўшилиши 0,0025% нисбатда ўзгаришга сабаб бўлади. Бир-бирдан жуда фарқли организм, балиқ ва помидор орасидаги маълум генетик маълумотлар чатиштирилиши ёки алмаштирилиши мумкин. Геном бутунлиги бузилмайдиган даражадаги ўзгаришлар ушбу мавжудотларнинг бошқа бир турга ўтишига сабаб бўлмайди. Балиқ - балиқлиги, помидор - помидорлигича қолаверади. Кўчирилган янги генлар, бу организмдаги мавжуд бир ёки бир нечта хусусиятларни қўйиб тиради, холос. Аслида, башоратлар шунини кўрсатади қанийди. Лекин, ген ўзгартириш билан боғлиқ операция ва унинг натижасини кутиш жуда кўп йилларни талаб қилади.

Ҳозирги кунда ривожланган баъзи мамлакатларда ўсимлик геномини ўзгартириб, ундан мақсадга мувофиқ фойдаланиши, жумладан, оксил, углевод, мой ва биологик фаол моддаларни ишлаб чиқаришда ўсимлик хужайрасини "биофабрика" сифатида ишлатиш йўлга қўйилмоқда. Бир сўз билан айтганда, ўсимлик туқималари инсон учун керакли бўлган озиқ-овқат, уларнинг қўшимчалари, дори-дармон ва бошқа моддаларни олиш учун "реактор" бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳамма гап шундаки, бу самарали натижакал ҳозирча шундай. Келажакда-чи?! Юқорида таъкидлаганимиздек келажакда, яъни табиий уруғлар йўқолиб бўлган бир вақтда генетик кризис рўй берса-чи. Келажак учун ким кафолат беради?!

Хуллас, газетамизнинг кейинги сониди яна сўзимизни асослашга ҳаракат қиламиз. Бу билан барча генетик операцияларга қаршимиз доққимасмиз. Бу соҳада ҳаддан ошишга қаршимиз, холос.

ШУКУР ЖАББОР

СЎЗЛАРДАН ТЕРИЛГАН ГАВҲАР

Истиқлолга эришганимиздан сўнг мамлатимизда барча соҳалар сингари миллий кадриятларимизга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, асрлар мобайнида аждоқларимиз томонидан яратилган оғзаки ижод намуналари қайта тикланди. Ўзбекона миллий кадриятлар мужассамлашган турли хил жанрлардаги оғзаки ижод намуналари академик лицейларда ўқилиши йўлга қўйилди ҳамда махсус дарсликлар ёзилди. Бу, албатта, бежизга эмас. Негаки, халқимизнинг ўтмишидаги турмуш тарзи, амал қилган анъаналари, урф-одатлари, қолаверса, ҳаётий тажрибасидан хабардор бўлмай туриб келажакка қадам ташлаш мушкулдир.



Давлатимиз эса таълим тизимида олиб бораётган ислохотлар давомида бу жиҳатни назардан четда қолдирмади.

Маълумки, халқ оғзаки ижоди намуналаридан мақоллар ҳам бошланғич таълим ўқувчилари тарбиясида муҳим вазифа ўтайди. Хусусан, халқ ўзининг ҳаётий, амалий тажрибасидан чиқарган хулосаларни, фалсафий мулоҳазаларни мақоллар орқали ифодалайди. Бу эса бугунги улғайтган ёш авлод, бошланғич таълим ўқувчилари учун келгуси ҳаёти давомида асқотиши турган гап.

Дарҳақиқат, доно халқимиз яратган мақолларда олам-олам маъно-мазмун ўз аксини топган. Мақоллар гарчи халқ оғзаки ижоднинг энг кичик жанрларидан бири бўлса-да, бироқ теран мазмунга эга, мавзу жиҳатдан ҳам хилма-хил ва ранг-барангдир. Мақоллар китобида келтирилган оғзаки ижод намуналари юқоридаги фикрларимизни тасдиқлайди.

“Она юртинг омон бўлса, Рангу рўйинг сомон бўлмас.”

Ушбу мақол мазмунида нафақат юртинг омонлиги ҳақида гап боради, балки халқнинг тинчлиги учун ҳам қайгурилаётгани ифодаланган. Ахир сўлим диёримизда тотувлик ҳукм сурса, тинчлик сабоблари эсса, бутун миллат яшнайдди, гуркирайди. Ўз ўрнида ҳар бир инсон ҳаёти кўнгилдагидек давом этади, обод ватанда эса хору зорлик ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Халқнинг рангу рўйи ҳамisha япроқ каби нафис бўлади. Буни юртимиз мисолида кўришимиз мумкин.

Балоғат чўққисига одимлаётган ёш авлод ҳаётнинг ачиқ-чучугидан тўла тортмаган бўлиши таби-

ўқувчиларга мақол аҳамияти беқийсдир. Билимини эгаллашга интилиш згулик аломати, тўғри ишни бажариш ҳар бир инсон учун заруриятдир.

“Олим бўлсанг, олам сеники.”

Нақадар пурмаъно фикр! Бу мақолдаги “олам сеники” тушунчаси биз яшаб турган бутун борлиқ сеникидир, дегани эмас, аксинча, илм эгаллаб бирор касб эгаси бўлсанг, ўз устида ишласанг, аввало, ўзингга, жамиятга, қолаверса, ватанингга нафитг тегади. Бевоосита сенинг бу ҳиссанг юртни жаҳон миқёсида мавқеини оширса, ватан номини таниса, бутун олам билса, демак, сен дунёни забт этган бўласан. Ана ўшанда “олам сеники”дир.

“Хунарманднинг нони бутун”

Мазмун жиҳатдан юқоридаги мақолга яқин ва ҳатто, мантиқий давоми дейиш мумкин. Киши хунарли бўлса, оч қолмаслиги, ҳаёти, турмуш тарзи ҳамisha яхши бўлишига ишора.

“Ақл ёшдан, Бола бошдан.”

Халқ шундай тажрибага эгаки, ҳеч қандай ҳодисани нигоҳидан қочирмайди. Инсоният фарзандида ақл ёшлигидан шаклланди, кейинчалик изланишлари натижасида ақлни ривожлантиради. Мабадо, фарзанд ўз олдига мақсадлар қўйган бўлса, демак, бу унинг ёшлигидаги шижоатидан, хатти-ҳаракатидан сезилади.

Назар ташлаган мақолларнинг тарбиявий аҳамияти, эстетик жиҳатлари билан бир қаторда бадий жиҳатдан ҳам мукамалдир. Ҳеч иккиланмасдан қайд этиш лозимки, бундай бетакрор хазина соҳиблари – аждоқларимиз малакасига таянши керак. Улар қолдирган маънавий мерос битмас-туганмасдир. Олис ўтмишда бўлгани каби бугун ҳам ўзбек халқининг ёш авлодини ҳавас қилгулик баркамол инсон даражасига етакловчи тарбия воситасидир. Нафақат киши тафаккурини бойитади, балки нутқда кенг кўламли фикрни лўнда қилиб ифодалашда ҳам фойдаланиш мумкин.

Ўзбек халқининг маънавий хазинаси айна шу жиҳатлари билан жамиятнинг келажаги бўлган авлодларнинг тарбиясидаги ўрни юқоридир.

**Эргаш НОРБЎТАЕВ,
Боёвут тумани 39-мактаб
бошланғич таълим ўқитувчиси.**

Асад яхши ниятлар билан қишлоқдаги уйнинг олдида мўъжазгина дўкон очди. Туман маркази узоқ бўлганлиги учун қишлоқдагиларнинг аксарият қисми ун, ёғ, картошка, сабзи, пиёз сингари кундалик эҳтиёж маҳсулотларни шу ердан олишади.

ҚАРЗ



Очигини айтиш керак, савдо қилувчиларнинг кўпчилиги насияга маҳсулот олишади. Кимдир ойлик олгунча, кимдир пенсия келгунча дея қарз қилади. Асад қишлоқдошларининг аҳволини яхши тушунади. Айниқса кунига мардикорлик қилиб рўзгор тебратувчиларга қийин бўлди. Улар орасида ҳам кун ора қарз олувчилар бор. Ҳамқишлоғи Аҳмадни олайлик. Оиласида жўжабирдай жон. Ойига камида бир қоп ун кетади. Қолган маҳсулотлар ҳам шунга яраша ишлатилади. Ҳозиргача дўкондан уч юз минг сўм қарздор. У дўкондан қарз олишга юзи бўлмай баъзан хотинини юборади. Буни Асад яхши билади. Самимий, соддадил хотини ҳар сафар келганида: “Ака, яна қарзга маҳсулот бериб турасизда, отаси ишласа барча қарзимизни тўлаймиз”, дейди бечора. Асад эса: “Майли, келин, ўзингизни ноқулай сезманг, биз шу ерда, сизлар ҳам шу ерда. Бемалол келаверинг. Аҳмадни ўзи келаверсин. Бу оғир нарсаларни кўтариш сизга оғирлик қилади”, деди.

Орадан уч-тўрт кун ўтгач, дўконга Аҳмаднинг ўзи тортинибгина кириб келди.

– Кел, Аҳмад, кўринмай кетдинг, иш кўпми дейман уйда, – деди Асад ўртадаги ноқулайликни йўқотиш учун.

– Томорқада ишлаш билан бандман, ака. Эртачи картошка ҳам пишиб қолибди. Ҳадемай кавлаб оламиз, – деди Аҳмад хотиржамлик билан. – Кейин насиб бўлса сизнинг қарзингизни узамиш.

– Сен қизиқ боласанда, Аҳмад, – деди Асад кулимсираб. – Мен сендан қарзингни бер деяпманми? Қачон топсанг бера-санда, укам.

– Ундай бўлса яна қарзга маҳсулот олгани келдим. Берасизми?

– Бемалол.

Аҳмад олган нарсаларини қарзга ёздириб хурсанд бўлиб чиқиб кетди. Асад эса ёрдамга муҳтож ҳамқишлоқларига шундай синовли кунларда ёрдам бераётганлигидан мамнун бўлса, кўнглининг бир чеккасида эса юртимизда Аҳмадга ўхшаган куч-қувватга тўлган йигитлар шу дамларда оиласини қандай боқаяптикан, деган ўй ҳам бор эди...

Кенжа БОТИР

Ўзбекистон бренди ЮҚОРИ ўринга кўтарилди

Жаҳон бўйича 100 та энг қimmat мамлакатлар бренди қиймати COVID-19 коронавирус пандемияси туфайли кескин қисқарди. Brand Finance томонидан ҳар йили ўтказиладиган тадқиқот натижасига кўра, ушбу қийматнинг ялли ҳажми 13,1 триллион АҚШ долларига тушиб қолди. Бу ҳақда Kursiv.kz сайти хабар бермоқда.



Тадқиқот баҳоси ўзида турли хил кўрсаткичларни жамлайди, жумладан, ЯИМ, инвестициявий ва туристик жозибадорлик, сибсат ва савдо қондалари, ижтимоий ҳолатлар ва ҳоказолар ҳисобга олинади.

Энг қimmat мамлакатлар брендида одатдагидек АҚШ ва Хитой биринчиликда турибди. Япония Германияни суриб чиқариб, учинчи ўринни, Италия эса Жанубий Кореянинг ўрнида 9-ўридан тўртинчи ўринни эгаллади. Биринчи ўнликдан ўрин олган мамлакатлар ўртасидаги брендлар қиймати ўрта ҳисобда 14 фоиз қисқарди.

Россия ва Қозоғистон рейтингдаги ўз ўрини сақлаб қолди: Россия 14-поғонада, Қозоғистон 44-поғонада жойлашди. Украина 56-ўридан 55-ўринга, Ўзбекистон эса 70-ўридан 61-ўринга, Туркменистон 79-ўридан 81-ўринга, Озарбайжон 86-ўридан 85-ўринга ўтиб кетди.

Қиймати бўйича энг қimmat мамлакатлар бренди топ 10 талиги

1. АҚШ (23,7 триллион АҚШ доллари, ўтган йилга нисбатан 14 фоиз қисқарган)
2. Хитой (18,8 триллион АҚШ доллари, -4 фоиз)
3. Япония (4,3 триллион АҚШ доллари, -6 фоиз)
4. Германия (3,8 триллион АҚШ доллари, -21,5 фоиз)
5. Буюк Британия (3,3 триллион АҚШ доллари, -13,9 фоиз)
6. Франция (2,7 триллион АҚШ доллари, -12,8 фоиз)
7. Ҳиндистон (2 триллион АҚШ доллари, -20,8 фоиз)
8. Канада (1,9 триллион АҚШ доллари, -13 фоиз)
9. Италия (1,9 триллион АҚШ доллари, -15,8 фоиз)
10. Жанубий Корея (1,7 триллион АҚШ доллари, -20,6 фоиз)...

Ақшдаги Eat Just компанияси дунёнинг жами товуқ тухумларини суяқ ҳолатда сотиладиган сунъийларига алмаштиришни истаб қолди, деб ёзади South China Morning Post наشري.



АҚШ КОМПАНИЯСИ СУНЪИЙ ТУХУМ ИШЛАБ ЧИҚАРМОҚЧИ

Октябрь ойида Eat Just акцияларининг бир қисмини сотиб, капиталлар бозоридида 200 миллион АҚШ доллари ни жалб қилмоқчилигини маълум қилганди. Агарда битим тузилса, компания капитализацияси икки миллиард АҚШ долларига етади. Маблағларнинг бир қисми Осиёдаги мамлакатлардан бирида қиймати 120 миллион АҚШ долларлик сунъий оқсил ишлаб чиқарувчи завод барпо этишга ҳам сарфланади.

Тухумнинг ўрини босишга мўлжалланган суяқлик шаклида сотиладиган маҳсулот Just Egg бренди остида ишлаб чиқарилади ва компаниянинг энг номи чиққан маҳсулотига айланиши мумкин. Eat Justнинг ҳаммуассиси ва раҳбари Жош Тетрикнинг фикрича, раҳбарият яқин келажакда ўсимликдан келиб чиқадиган тухум нафақат гўшт ғмайдиганлар, балки соғлиги ҳақида қайғурадиган барча инсонларни қизиқтиради.

Тетрик энг катта салоҳиятни Осиё бозоридида кўраётган бўлиб, сабаби ушбу қитъа мамлакатлари халқлари тўғри овқатланиш бўйича бошқаларга нисбатан кўпроқ қизиқишади. Бугунги кунда жаҳон бўйича мавжуд товуқ тухумларининг 64 фоизи Осиё мамлакатларига тўғри келади. Ўтган йили уларнинг ҳажми 200,8 миллиард АҚШ долларига этган. Шунингдек, Eat Just АҚШнинг барча йрик савдо тармоқларида сотилаётган майонез ўрини босувчи маҳсулотни ҳам ишлаб чиқаради.

Eat Justнинг ватанида ҳам шунингдек анъанавий маҳсулотларнинг ўсимликдан ишлаб чиқарилган кўринишига бўлган талаб ўсиб бормоқда. Ўтган йили маҳаллий бозор 11 фоизга ортган, яъни 5 миллиард АҚШ долларига етди. Бунда сунъий гўшт ишлаб чиқарувчилар Beyond Meat ва Food Impossibleларнинг улуши катта.

Дунёга машҳур Global Finance наشري Россиянинг Тинькофф онлайн банкини жаҳоннинг чакана хизмат кўрсатувчи энг яхши онлайн банки сифатида эътироф этди. Шунингдек, у банкини Digital Bank Award 2020 мукофотининг бир қатор номзодлиги бўйича голиби, деб ҳисоблади.



ТИНЬКОФФ ЭНГ ЯХШИ ЧАКАНА ХИЗМАТ КўРСАТУВЧИ ОНЛАЙН БАНК

Ушбу журнал дунёнинг 187 та мамлакатидида нашр қилинади ва мунтазам равишда банклар ва молиявий хизматларни кўрсатувчилар ўртасида энг яхши ўйинчиларни аниқлаб боради. Global Finance тақдим этган унвонлар жаҳон молиявий ҳамжамиятининг сифат белгиси ҳамдир.

"Пандемия рақамли банк хизматидаги ўтиш жараёнини тезлаштириб юборди. Бу эса Digital Bank Award мукофоти ташкил этилганидан буён энг (21 йил давомида) эсда қоларли йил бўлганини билдиради. Бугунги мукофотларнинг салмоғи ва қиймати мисли кўрилмаган даражада юзага келди", – деди Global Finance журнали бош директори Жозеф Жаррапуто.

Нашр фикрига кўра, Россиянинг Тинькофф

банки Марказий ва Шарқий Европада чакана хизмат кўрсатувчи энг яхши онлайн банки сифатида танлаб олинди ва "Энг яхши мобил илова" ва "Энг чиройли сайт соҳиби" номзодлиги бўйича ҳам голибликни кўлга киритган.

"Мана 14 йилдирки биз рақамли банк хизматларини ва молиявий технологияларни кўрсатиш борасида янги қирраларни кашф этиб бормоқдамиз. Бироқ биз ўз жамоамизнинг тинимсиз меҳнатисиз, технологиялар соҳасидаги янгиликларга бўлган қизиқишларини ва мижоз манфаатини ҳаммасидан устун кўймасдан туриб ҳеч нарсага эришолмасдик, – дейди Тинькофф бошқарув раиси Оливер Хьюз. – Яқиндагина Тинькофф яна бир ютуқни кўлга киритди: мижозлар сонини 12 миллион нафардан ошди. Биз бу борада янада олға ҳаракат қилмоқчимиз, мижозларнинг ҳатто энг мушкул дамда ҳам кўнглини олишга тайёрмиз".

ЖАҲОН ҚАРЗИ РЕКОРД ДАРАЖАГА ЕТДИ

Йил якунига бориб жаҳон қарзи ҳажми коронавирус пандемияси сабабли рекорд даражага етиб, 277 триллион АҚШ доллари (глобал ЯИМнинг 365 фоизи) га тўғри келди. Institute of International Finance ҳисоботида шундай маълумот келтирилди:



Қарз ҳажми ўтган йилнинг якунидан буён 15 триллионга ўсди. Номолиявий тармоқдаги қарздорлик, башоратга кўра, жорий йилда 210 триллион АҚШ долларига етиши мумкин. 2019 йилда бу кўрсаткич 194 триллион АҚШ долларига тўғри келганди. Ривожланаётган мамлакатлар қарз ҳажми деярли уларнинг ялли ЯИМ ҳажмининг 210 фоизига тенг.

Мутахассислар жаҳон қарзи ўсишининг сабаби сифатида бутун дунёда мамлакатлар томонидан олинаётган омонатлар ҳажми ортиши ва паст фоизли ставкалар сабабли корпорациялар қарзи кўпайганида деб ҳисоблашмоқда. Шу боис иқтисодчилар дефолт таваккалчилиги ўсишини маълум қилишди.

Аввалроқ, июль ойида Халқаро валюта фонди мутахассислари жаҳоннинг барча мамлакатларидаги давлат қарзи тарихида илк марта 2020 йил якунида жаҳон ЯИМ ҳажмининг 101,5 фоизига тенг бўлиши мумкинлигини ва шундай бўлган тақдирда Иккинчи жаҳон урушидан кейинги рекорд янгилини бўйича баёнот берганди.

Коронавирус пандемияси анъанавий қоғозли пулларни вирус тарқатувчи воситага айлантирди: вирус қоғоз пулларда узоқ муддат сақланиб қолиши исботланди. Эпидемия даврида эса одамлар тўловнинг электрон шаклидан фойдаланишга одатланиб қолишди. Нақд пуллардан оммавий равишда воз кечиш рақамли иқтисодиётга туртки сифатида хизмат қилди ва етакчи мамлакатларга рақамли валютага асос солиш ҳақида бош қотириш имконини берди. Ҳатто Россия Федерациясида ҳам электрон рубльни яратиш концепцияси ҳақида сўз юритила бошланди. Бироқ ҳозирча уни жорий этишга бир қатор жиддий тўсқинликлар мавжуд.

Нақд пулсиз тўловлар тараққиёти – технологиялар асрида юз берадиган иқтисодий жараён ҳисобланади. Коронавирус пандемияси эса бу тенденцияни янада тезлаштириб юборди, қоғозли пуллардан воз кечиш ҳақидаги кўп йиллик ғоя бир зумда амалга оширилди: бутун дунё бўйича жуда кўп рақамли инсонлар нақд пулни ишлатишдан воз кечмоқда. Boston Consulting Group (BCG) таҳлилий компания томонидан яқинда ўтказилган тадқиқотга кўра, Россия қоғозли пуллардан воз кечган мамлакатлар бешталигидан ўрин олган.

Биринчи ярим йилликда унга қадар фақат нақд пуллардан фойдаланиб келган россияликларнинг деярли ями (48 фоизи) нақд пулсиз ҳисоб-китобга ўтишган. Динамикага кўра Россияни фақатгина Буюк Британия (62 фоиз), Канада (59 фоиз) ва Австралия (53 фоиз) лар ўзиб кетган. "Коронавирус пандемияси ва унинг оқибатлари тўловлар саноатидаги одатда ушлаб йиллар сарфланадиган ўзгаришларни тезлаштириб юборди", – деди ВСГнинг Париждаги идораси ҳамкори ва бошқарувчи директори Ян Сёнан. Россияда нақд пулсиз тўловларга жадаллик билан ўтилаётгани "русча мўъжиза" сифатида қайд этилмоқда. Саккиз йил давомида (2010 йилдан то 2018 йилгача) мамлакатда нақд пулсиз транзакциялар ҳажми 30 баробар ортди – йилга ҳар бир одам учун 5,8 дан то 172 тага тўғри келмоқда.

Пандемия рақамли технологиялар ривожланиши учун қўшимча рағбат берди. Россия банки маълумотига кўра, 2020 йил иккинчи чорагида нақд пулсиз тўловлар улуши деярли 70 фоизга ўсди. Бундай ўсишни фақатгина 2020 йил якунида бўлиши кутилган эди. Бунинг сабаби COVID-19 вирусининг пул орқали юқиши билан ҳам боғлиқ. Россия истеъмолчилар назорати ташкилоти вирус пул устида бир сутка давомида сақланиб қолиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирган эди. Марказий банк эпидемия даврида банкларга маҳсулот ва хизматларга тўловни айнан нақд пулсиз шаклда амалга ошириш имкониятини кенгайтириши тавсия қилганди. Натижада айрим россияликлар қоғозли пуллар қандай кўринишга эгалигини унутиб қўяёзди.

ВИРТУАЛ ПУЛЛАР

Жаҳон марказий банкларида электрон тўловлар оммалашган бир пайтда рақамли валюталар энг кўп ишлатилган сўз бирикмасига айланди. Пулларнинг электрон шаклини яратиш ҳақида Европа, АҚШ ва Япония мамлакатлари бош қотира бошлашди.


Лекин рақамли валюта реал тарзда қўлланилган давлат, бу Хитой бўлди. Кriptoюань валютаси йирик шаҳарларда синов тарихида ишлатилди ва 2022 йилда ўтказиладиган Олимпиада даврида ҳам қўллаш режалаштирилган.

Рақамли рубль концепциясига оид тақдимот Россияда ҳам ўтказилди. Марказий банк пулларни тўлов ва жамғармалар учун фойдаланиш мумкинлиги, бироқ улар криптовалюта деб аталмаслигини тахмин қилди. "Бу биткоин ва майнинг, аноним ҳамёндан фарқ қилиши керак ва марказий эмитентга эга бўлиши шарт эмас. Рақамли рубль – бу фиат валютанинг бир тури, фақат фарқи рақамли шаклда бўлишида. Эмитент сифатида РФ Марказий банки майдонга чиқади. Шундай қилиб, рақамли рубль Россия миллий тўлов тизими вазифаларини ўз ичига сақлаб қолади ва анъанавий пластик картага боғлиқ қўйилмайди", – деди СЕХ.ИО халқаро криптобиржаси техник директори Дмитрий Волков.

Анъанавий нақдсиз пуллардан фарқли рақамли "рақамли"си банк тизимидан ташқарида, МБдаги "электрон ҳамён"лар орқали ишлатилади. Рақамли рубль техник жиҳатдан ўзига хос рақамли кодни намоён этади. "Россия рублининг барча уч шакли бир хил ҳуқуққа эга бўлади, жумладан 1 рубль нақд пул 1 нақдсиз пул билан тенг бўлар экан, 1 рақамли рубль ҳам шундай қийматга эга. Айни пайтда пул эгалари пулларни бир шаклидан бошқасига айирбошлашни осонлик билан амалга ошириши мумкин бўлади", – дейилади баёнотда.

Рақамли шаклдаги рублларнинг ўтказмалари, худди анъанавий қоғозли пуллардагидек офлайн режимда амалга оширилиши мумкинлиги тахмин қилинмоқда. Яъни интернет ёки мобиль алоқа хизматисиз ҳам ўтказмаларни юбориш имкони бўлади. Бироқ Марказий банкдагилар буни амалга ошириш механизмларига кўп

**РОССИЯ
РАҚАМЛИ РУБЛЬ ҲАРАКАТИДА**



ҳам тўхталмай, шунчаки бундай ўтказмалар учун аллақандай махсус инфратузилмани яратиш талаб этилишини маълум қилган. Янги тизимда Марказий банк фуқароларга ҳисобрақамларни банкларда эмас, балки бевосита МБда очишни тавсия қилмоқда. Бугунги кунда қоғозли пуллар иқтисодиётнинг "кулранг ҳудуди" дея номланувчи қисмида ишлатилмоқда, шу боис уларнинг аниқ ҳисобини юритишнинг имкони йўқ. Рақамли рубль пайдо бўлса, ҳукумат фикрига кўра, маблағларнинг оқимини назорат қилиш имкони мавжуд бўлади.

Рақамли рубльнинг асосий афзалликлари шундаки, халқаро ўтказмалар энгиллашади, узилишлар сони қисқаради ва тўловларнинг шаффофлик даражаси ортади. Бу, масалан, камбағалликка қарши курашишда кўп келади. Сабаби айнан эҳтиёжмандларга манзилли ёрдам кўрсатиш энгиллашади.

Ташаббусни танқид қилувчилар ҳам йўқ эмас. Улар рақамли рубль пайдо бўлиши билан бизнеснинг бир қисми МБга ўтиб кетишидан хавфсирмоқда. ВТБ бошқарув раиси Андрей Костин фикрига кўра, ҳозирча "тижорат банклари қандай қилиб мослашиб кетиши ва бизнесни сақлаб қолиши номаълум". "Бизнес билан шуғулланиш аниқ МБнинг вазифаси эмас", – деди у ва бу масалани ҳал этиш заруратига урғу бериб ўтди.

Нақд пулсиз тизимга оммавий ўтиб кетишининг яна бир муаммоли жиҳати аҳолининг молиявий саводхонлик даражаси пастлиги билан боғлиқ. НАФИ таҳлилий маркази тадқиқотига кўра,

ўтган йили молиявий саводхон россияликлар 12,4 фоизни ташкил этган. Яъни олий маълумотга эга инсонлар, малакали мутахассислар ва раҳбарлар шулар жумласидандир. Уртача молиявий саводхон аҳоли қатлами 46,8 фоиз, паст даражадаги саводхон аҳоли улуши 40,8 фоизга тенг деб ҳисобланмоқда. Ушбу муаммони ечиш учун мuddати 2024 йилгача ҳисобланган "Рақамли иқтисодиёт" миллий лойиҳаси ишга туширилиши кўзда тутилган. Унинг вазифалари қаторида интернетдан барча ва ҳар бир инсон фойдалана олишини таъминлаш ҳам қиради. Барча йирик шаҳарлар 5G авлод алоқа билан таъминланиши режалаштирилган. Аҳоли, бизнес ва давлат сирларини муҳофаза қилиш назарда тутилган. Ушбу режаларни амалга оширишга 1,8 триллион рубль сарфлаш кўзда тутилган.

Кўплаб нохушликларга сабаб бўлган пандемия рақамлаштириш жараёнини тезлаштиргани аниқ: ҳозирги шароитларда кўплаб компаниялар масофавий ишлаш тизимига ўтишди, уйда ўтириб ишлашга мажбур инсонлар эса харидларини онлайн тўлашларига тўғри келди. Шу боис рақамли валютанинг жорий этилиши замон талабига айланиб улгурди. "2009 йилларда криптовалютанинг пайдо бўлиши сабабли кўплаб давлатлар бу технологиядан кўрққа бошлади ва уни ҳар қанақасига таъқиқлаш, тартибга солишга интила бошлашди. Натижада кўплаб Марказий банклар курашил эмас, балки мазкур технологиядан ҳам маълумот тарихида хабардор бўлиш ҳақида қарор қабул қилди", – деди "Солид" инвестициявий-молиявий компанияси мутахассиси Евгений Маришин.

Шубҳасиз, буни бир йилда тўлиқ жорий этиб бўлмайди ва барча ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда технологияни мукамаллаштириш борасида ишлаш керак. Ҳаммаси изга тушиб кетган тақдирда ҳам электрон валюта иқтисодиёт ва йиғиладиган солиқ тушумларининг шаффофлигини таъминлашга ҳамда хуфёна иқтисодиёт ҳажмини қисқартиришга сабаб бўлиши мумкин.



Елизавета Городищева Лента ру, мухбири

“ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК”

коррупцияга қарши курашиш махсус алоқа каналларини ишга туширди

Банк мижозлари ва ходимлари тизимдаги коррупцион хавф-хатарлар юзасидан Банк Коррупцияга қарши курашиш комиссиясига мурожаат қилиш имкони яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил январь ойида Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида коррупцияга қарши жамиятнинг барча аъзолари “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас ва коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтилмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаслигимизни таъкидлаган эди.

Ўзсаноатқурилишбанк тизимига ҳам ҳалоллик стандартларини жорий этиш, бунда коррупция ҳолатларининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этишнинг таъсирчан тизимини яратиш, ходимлар зиммасидаги вазифа ва функцияларни бажаришда юзага келадиган



коррупцияга оид хавф-хатарларни баҳолаш тизимини такомиллаштиришга устувор аҳамият қаратилмоқда.

Жорий йилнинг 13 ноябридан Ўзсаноатқурилишбанк тизимида йўлга қўйилган коррупцион ҳолатлар тўғрисида маълумотларни тўплаш-

нинг янги механизми бу йўналишдаги ишларнинг амалий ифодасидир. Мазкур механизм Банк тизимида коррупцияга қарши курашиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ҳақида ишончли маълумотларни доимий равишда йиғиш, таҳлил қилиш ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини

тизимли ва чуқур таҳлил қилиш имконини беради.

Ушбу жараёнга кенг жамоатчилик, айниқса, Банк ходимлари, мижозлари ва ҳамкорларини жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга. Шунга кўра, эндиликда фуқаролар тизимда коррупцияга оид хавф-хатарга дуч келганда алоҳида ажратилган ишонч телефони (0-800-120-8888), Telegram боти (@sqbantikor_bot) ва электрон почта (<https://uzpsb.uz/uz/compliance-hotline/>) орқали Банкнинг махсус аксилкоррупция бўлимига аноним ва шахсини очиқлаган ҳолда хабар бериши мумкин.

Хабарлар автоматик равишда қабул қилинади ва тайёрларидан ўтган мутахассислар гуруҳи томонидан таҳлил қилинади. Таҳлил натижалари эса Банк Коррупцияга қарши курашиш комиссиясига чора кўриш учун тақдим қилинади.

Банк Ахборот хизмати

ОБУНА - 2021

ОБУНА ТУГАШИГА 34 КУН ҚОЛДИ

ЎРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР,

“Банк ахборотномаси” –
“Банковские вести”

газеталари келгуси йилдан
бошлаб, ягона бирлашган нашр
сифатида чоп этилади.
Бу барча ўқувчилар учун
ҳам моддий,

ҳам маънан манфаатли бўлади.

Сиз газетага обуна
бўлиш истасангиз,

“Ўзбекистон почтаси” ва
“Матбуот тарқатувчи”

ташкilotининг ҳудудий
бўлимлари орқали

расмийлаштириш ёки
фақат таҳририят билан

шартнома тузган

қуйидаги ташкilotлар билан

обунани ташкilot этишингиз мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси ва

Хоразм вилояти

АЖ “Ўзбекистон почтаси” ҳудудий филиалларида

АЖ “Матбуот тарқатувчи” ҳудудий филиалларида

Бухоро вилояти

“INFORM POCHTA” МЧЖ – 71-237-08-70

Жиззах вилояти

“MATBUOT TONGI” МЧЖ – (91-599-58-98)

Навоий вилояти

“INFORM POCHTA” МЧЖ – 71-237-08-70

Қашқадарё вилояти

“INFORM POCHTA” МЧЖ – 71-237-08-70

Сирдарё вилояти

“Сирдарё матбуот хизмати” – (97-277-27-72)

Сурхондарё вилояти

“SURXON MATBUOT NASHRLARI” МЧЖ – (91-586-70-00)

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти

“KALEON INFORM” МЧЖ – (71-267-18-94)

“Тошкент матбуот медиа” – (97-156-22-77)

“INFORM POCHTA” МЧЖ – 71-237-08-70

Самарқанд вилояти

“INFORM POCHTA” МЧЖ – 71-237-08-70

“Тошкент жаҳон зиё” – (97-922-02-33)

Фарғона вилояти, Наманган вилояти, Андижон


вилояти

“INFORM POCHTA” МЧЖ – 71-237-08-70

“Сайёр – 2017” МЧЖ – (99-990-61-01)

ОБУНА ИНДЕКСИ-102

Тел.: (998) 99 837 11 04 71 234 43 18 Факс: (998) 71-234-43-18.



БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА

ТАДБИҚОРЛАРИНИНГ

ХАВФЛИК НАШРА

ISSN 2050-8822

ТАШТА 2020-ЙИЛ 26-НОЯБРЬ

“ҚАЙТИМИДА БОСМА

НАШРАТЛАРИ” ҲАМ ҲА ҲА ҲА

“Ахборот, банк ва маънавият

“Қазақстан Республикасының

“Матбуот тарқатувчи” қўраш

“Қазақстан Республикасының

“Қазақстан Республикасының

“Қазақстан Республикасының

“Қазақстан Республикасының

“Қазақстан Республикасының

“Қазақстан Республикасының

“Қазақстан Республикасының

“Қазақстан Республикасының

“Қазақстан Республикасының

“Қазақстан Республикасының

“Қазақстан Республикасының

“Қазақстан Республикасының

“Қазақстан Республикасының

“Қазақстан Республикасының

“Қазақстан Республикасының

“Қазақстан Республикасының

“Қазақстан Республикасының

“Қазақстан Республикасының

“Қазақстан Республикасының

“Қазақстан Республикасының

“Қазақстан Республикасының

“Қазақстан Республикасының

“Қазақстан Республикасының

“Қазақстан Республикасының

“Қазақстан Республикасының

“Қазақстан Республикасының

“Қазақстан Республикасының

“Қазақстан Республикасының

“Қазақстан Республикасының

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

АХБОРОТ ҲАМКОРЛАРИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси

БОШ МУҲАРРИР

Бобур МУҲАММАДИЕВ

НАШР УЧУН МАСЪУЛ

Шукур ЖАББОР

ОБУНА ВА РЕКЛАМА

БЎЛИМИ РАҲБАРИ

Ўктам АБДУЛЛАЕВ

Тел: +998 90 0264090

71 234 43 18

Факс: 71 234 43 18

Нашр индекси-102.

МУАССИС:

“Moliya yangiliklari agentligi” МЧЖ

Ахборот кўмаги

Ўза, “Norma Hamkor” МЧЖ

www.finance.uz

Таҳририят манзили:

100060. Тошкент ш., Юнусобод т.

Осиё кўчаси 1а

е-mail: bankaxborotnomasi@mail.ru,

Чоп этишга тайёрловчи:

“Moliya yangiliklari agentligi” МЧЖ

Газета таҳририятининг техник

ускуналарида саҳифаланди.

Таҳририятнинг фақат ёзма розилиги билан

“Банк ахборотномаси” да эълон қилинган

материалларни кўчириб босишга ижозат берилди.

Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва ҳайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги

томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами

билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта –

пайшанба кўни чиқади.

Буюртма № г 0610 А-1320

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмда, 4 шартли босма табақда чоп

этилди. Босишга рухсат этилди: 24.11.2020 й.,

1 2 3 4 5 6